

# SADOQAT

Tuman ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Gazeta 1971 yil sentabrdan chiqa boshlagan

№ 15-16 (4466-4467) 2021-yil 23-aprel, juma

Bahosi erkin narxda

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорликка эътибор ортиб, бу борадаги ислохотлар хусусий тадбиркорлар учун қатор имкониятлар эшигини очмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокими Тўхтамурод Мейлиев тадбиркорликни ривожлантириш бўйича туман тадбиркорлари ва жамоатчилигига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Ушбу тадбир давомида туман ҳокими, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари,

ришдаги ютуқлар ва камчиликлар ҳамда бу борадаги имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, ҳозирда туманда нархи 26 миллиондан 35 миллион сўмгача, узунлиги 8-12 метргача бўлган энгил конструкцияли кўчма дўконлар қуриб, сотувга қўйилаётгани ҳамда бўш турган давлат иншоотларини "Ёшлар дафтари"даги фуқароларни иш билан



## ҲОКИМ МУРОЖААТИ

### ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИГА ҚАРАТИЛДИ



сектор раҳбарлари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, банк ходимлари, маҳалла раислари иштирокида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ташкил қилинди. Туман ҳокими ўз мурожаатида туманда хусусий тадбиркорликни ривожланти-

таъминлайдиган тадбиркорлик субъектларига 5 йилга нол қийматда ижарага берилиши ҳақида маълум қилди. Шунингдек, аввал хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, ҳозирда фаолият кўрсатмаётган 89 та тадбиркорлик субъекти мавжудлиги ва уларнинг 44 тасига фаолиятини тугатиш тавсия қилинганини ҳам билдирди. Бундан ташқари тадбиркорларга кредит олиш, ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш бўйича маҳалла раислари кўмакдош бўлишлари лозимлиги хусусида эслатиб ўтилди. Шундан сўнг, йиғилиш иштирокчилари туман ҳокимининг мурожаати ва

тадбиркорликни йўлга қўйишда юзага келган айрим муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбиркорларда асосан кредит олишда, банк ҳужжатларини расмийлаштиришда қийинчиликлар юзага келаётгани ва бошқа ҳолатларда ҳам учраётган муаммолар ҳақида тўхталиб, уларни ҳал этишда тегишли соҳа мутасаддилари фаолроқ бўлишлари кераклиги ҳам таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан берилган саволларга тегишли соҳа масъуллари томонидан жавоб берилиб, қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Туроп ТУРСУНОВ,**  
Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудир.

Туман халқ таълими бўлими, "Баркамол авлод" болалар мактаби ҳамда "Sadoqat" туман ижтимоий-сиёсий газетаси муҳарририяти ҳамкорликда яқинда "Баркамол авлод" болалар мактабида 12 апрель - "Халқаро авиация ва космонавтика куни"га бағишланган

"Ёш ихтирочи" пар танловни республика кўрик-танловининг туман босқичини ўтказди. Кўрик-танловга барча умумталим мактаблари таклиф қилиниб, 34 та жамоа иштирок этди.

Танловни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғояларни намоён қилиш имкониятларини яратиш ва кенгайтириш,

уларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Танлов иштирокчилари ишини туман халқ таълими бўлими хо-

моасига, II ўрин 22- умумий ўрта таълим мактаби жамоасига ва III ўрин 17-умумий ўрта таълим мактаби жамоасига насиб этди.

Автомобиль йўналиши бўйича I ўринни 18- умумий ўрта таълим мактаби жамоаси, II ўринни 44- умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ва III ўринни 46-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси қўлга киритган бўлса, робототехника ва ўйинчоқлар йўналишида I ўрин 44-умумий ўрта таълим мактаби жамоасига, II ўрин 18- умумий ўрта таълим матаби жамоасига ва III ўрин 31-умумий ўрта таълим мактаби жамоасига насиб қилди.

Ғолиблар муносиб тақдирланди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 12 000 000 (ўн икки миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда Ватанимиз озодлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маданий-маърифий кечаларни ўтказсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ш.МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти. Тошкент шаҳри, 2021 йил 20 апрель.

## ЭМЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Барча жойларда бўлгани каби туманимиздаги 6-оилавий поликлиникада ҳам

аҳолини COVID-19 га қарши эмлаш давом этмоқда. Биринчи бўлиб поликлиниканинг бош шифокори Содиқ Ҳолов корона-вирусга қарши эмланди.

Поликлиникамизда корона-вирусга қарши 65 ёшдан юқори бўлган аҳолининг 190 нафари ва ўрта тиббиёт ходимларидан 60 нафарини эмлаш режалаштирилган, дейди бош шифокор.

Масканда алоҳида эмлаш хонаси мавжуд бўлиб, аҳолига ҳамшира Муниса Рўзиева ва потронаж Шерзод Шамсиевлар намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Меҳр-оқибат, саховат халқимизга хос эзгу фазилатлардан бири. Эҳтиёжманд кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга имкон борича кўмак беришнинг савоби катта. Айниқса, Рамазон ойида кунларида бундай савобли ишларни ба-

жараётган ҳамюртларимизни кўп учратамиз. Мустақилбод маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жуманазар Усмонов ҳам ана шундай саховатли инсонлардан. У муқаддас Рамазон ойида ўз маҳалласида яшовчи 6 та эҳтиёжманд ва ногирони бор оилаларга бир қопдан ун тарқатди.

Жуманазар Усмонов каби саховатпешаларнинг муқаддас ойда қилаётган эҳсонлари эҳтиёжманд оилаларга қувонч ва шукроналик олиб кирса ажаб эмас.

**Аҳмад ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Касби туман бўлинмаси раҳбари.

## ХАЙРЛИ ИШ

Ойларнинг султони, меҳр-шафқат, саховат рамзи, Қуръони карим оёи - моҳи Рамазон хукм сурмоқда.

Ушбу ойда Аллох таоло бизга рўза тутишни фарз қилган. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай баён қилган:

"Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилинган каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақво олиб бўлсангиз" (Бақара сураси, 183-оят).

Рамазон баракотидан унда бир нафл ибодат қилинса, фарз ибодатини савоби берилиши, бир фарз ибодат қилинса, етмишта фарзни савоби берилиши ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларга шундай насиҳат қилганлар:

"Эй, инсонлар! Улуғ, муборак ой сизларга соя солиб турибди. Бу ойда минг ойдан кўра яхшироқ бир кеча бор. Аллох таоло бу ойнинг рўзасини фарз қилди, кечаси бедор бўлишни нафл қилди. Ким унда бирор бир яхшилик ила Аллохга яқинлик ҳосил қилса, худди бошқа ойларда фарзни адо қилганга ўхшайди. Ким унда бир фарз амални адо этса (бошқа ойларда) етмишта фарзни адо қилгандек бўлади. Бу ой сабр ойдир. Сабрнинг савоби жаннатдир. Бу ой ўзгалардан кўнгил сўраш, меҳр-мурувват ойдир. Бу ойда мўмин кишининг ризқи зиёда бўлади. Ким у кунда бирор рўзадорга ифторлик



## МЕҲР-ШАФҚАТ, САХОВАТ ОЙИ

қилиб берса, бу унинг гуноҳларига мағфират ва жаҳаннамдан озод бўлишига сабаб бўлади", - дедилар. Шунда: "Эй, Аллохнинг Расули! Ҳаммамиз ҳам рўзадорга берадиган ифторлик топа олмаймизку", - дейишди. Расулulloх саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аллох таоло бу савобни рўзадорга бир ютум сут ё бир дона хурмо ё бир култум сув билан ифторлик қилиб берган кишига ҳам беради, ким рўзадорни тўйдирса, бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади ва Аллох таоло уни менинг ҳавзимдан суғорадики, ундан кейин то жаннатга киргунча чанқамайди. Ифторлик қилиб берганга ҳам рўзадорнинг ажридан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда, унинг ажрига тенг савоб бўлади. Бу ойнинг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири жаҳаннамдан озод бўлишдир. Ким Рамазон ойида қўл остидаги (хизматчиси)га энгиллик қилса, Аллох таоло уни мағфират қилади ва уни дўзахдан озод қилади", - дедилар (Имом Байҳақий ривоятлари).

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон рўзасини тутганлар жаннатнинг алоҳида бир эшигидан кириши хушхабарини бериб, шундай марҳамат қилганлар:

"Жаннатнинг Райён деган бир эшиги бор. Қиёмат куни ундан рўзадорларгина киради. Улардан бошқа бирор киши Райён эшигидан киролмайди. "Рўзадорлар қани?" дейилади. Шунда рўзадорлар ундан кира бошлайдилар, рўзадорлардан бошқа ҳеч ким киролмайди Уларнинг охиригиси кириб бўлиши билан эшик беркитилади. Ундан бошқа ҳеч ким киролмайди" (Имом Бухорий ривоятлари).

Шу кунларда рўза тутиш истагидаги инсонларни карантин шароити бир оз хавотирга солмоқда. Лекин, карантинда рўза тутиш одатий рўзадан фарқ қилмайди. Қўлларни тез-тез ювиш, антисептик воситалардан фойдаланиш рўзани очмайди. Шунингдек, зарурат бўлса оғизни чайқашнинг ҳам зарари йўқ. Томоқдан (ҳалқумдан) сув ўтмаса, рўза бузилмайди.

Динимизда рўзадорга ифторлик бериш улкан савоб ҳисобланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Ким бир рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга ҳам ўша рўзадор эга бўлган савобга тенг ажр берилади".

Шундай экан, ифторлик қилиш деганда, фақатгина дастурхон ёзиб, тўп-тўп одам айтишни тушунмаслик керак. Ҳозирги кунда камбағал, муҳтож кишиларга таом ёки керакли маблағни бериш энг яхши ифторликдир.

**Гулмурод хожи АБДУНАЗАРОВ, "Зарипов Мўмин хожи" жомеъ масжиди ноиб имоми.**

## ЁТ ҒОЯ ТАРҚАТУВЧИСИГА АЙЛАНМАНГ!

Ҳозирги даврда глобаллашув даражаси жуда юқори. Қўлимиздаги митти курилма орқали дунёнинг исталган давлати билан алоқага кириша оламиз. Инсониятга хизмат қиладиган интернет тармоқлари эса жаҳондаги хабарлардан бохабар этади. Бу имкониятлар жуда яхши. Ёшларни билим олиши, технологияларни ривожланиши, ахборотларнинг алмашинуви ва бошқа кўплаб масалаларда интернет жуда фойдали эканлигини асло инкор эта олмаймиз. Аммо яна шуни ҳам айтиш керакки, интернет хизматларидан оқилона фойдаланган киши муваффақиятларни қўлга киритади. Яшаш тарзида янгилик ва яхшиликларни жорий этади. Бироқ яна бир тоифа одамлар ҳам борки, улар билиб-билмай интернет орқали тарқатилаётган ёт ғоялар ташувчисига айланиб қолаётир.

Ёт ғоялар инсонни тўғри йўлдан адаштириб, жаҳолатга етаклашни кўп бора гувоҳи бўлганмиз. Бугунги кунда ҳам айрим ёшлар билиб-билмай ёт ғоялар таъсирини тушиб қолишмоқда. Ана шундайлардан бири туманимизда яшовчи Собир Мирзаевдир (исми-шарифи ўзгартирилди).

С.Мирзаев ўзига тегишли бўлган "Самсунг-А3" уяли алоқа телефонида "Одноклассники" ижтимоий тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш ва тарқатиш мумкин бўлмаган диний мазмундаги материалларни қонунга зид равишда сақлаб ва дўстларига тарқатиб келган. Бу билан у қонунларимизда назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилган.

У бу қилмиши туфайли белгиланган тартибда жаримага тортилди. Ҳуқуқбузарлик воситаси бўлган уяли алоқа телефони аппарати тегишли тартибда мусодара қилинди.

**Ғофир СУЛТОНОВ, туман ИИБ ТЭҲКТ катта тезкор вакили, майор.**

3 май - Халқаро матбуот эркинлиги куни

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ УСТУВОР БЎЛСИН!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида 1993 йилнинг 3 май санасини "Халқаро матбуот эркинлиги куни" деб эълон қилиш ва шу кунни байрам сифатида нишонланиши ҳақида махсус резолюция қабул қилинган. Шундан буён ҳар йили 3 май дунё бўйлаб Халқаро матбуот эркинлиги куни сифатида нишонланади.

Авалло, сўз эркинлиги тўғрисида фикр юритсак. Усиз эркин, демократик жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга сўз эркинлиги бўлмаса тараққиёт ҳам олдинга силжмайди. "Эркин ахборот олиш - узвий ҳуқуқ, лекин жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида фуқаролар ўз фикрини очиқ айтиш ва муҳокама қилиш, журналистлар жамиятдаги энг нозик муаммоларни ёритиш имкониятидан маҳрум", деб ёзилади БМТ баёнотларининг бирида. Ҳар йили 3 май - Жаҳон Матбуот эркинлиги куни арафасида қатор хорижий инсон ҳуқуқлари ташкилотлари дунёдаги таъйин остидаги журналистларнинг аҳолига эътибор қаратишади.



Ушбу сана муносабати билан юртимизда ҳам ташкил қилинадиган матбуот кунлари апрел ойининг охиридан май ойининг ўрталаригача давом этади. Унда Ўзбекистондаги нодавлат теле ва радиокомпанияларнинг 100 дан ортиқ вакиллари қатнашади. Шунингдек, хорижий мутахассислар иштирокида журналистлар учун мастер класслар ташкил этилади. Бундан ташқари, республикадаги энг яхши журналистлар "Олтин қалам" мукофоти билан тақдирланишади.

Сўнгги йилларда юртимизда сўз эркинлигига кенг йўл очилди. Бугун биз оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда мисли кўрилмаган баҳслар, мунозараларнинг иштирокчи-

си ва гувоҳи бўлмоқдамиз. Тўғри, сўз эркинлигидан таҳликага тушиб қолганлар ҳам бор. Сўз эркинлиги, бу - муқобил фикр, дегани. Муқобил фикрлардан энг ҳаққонийсини танлаш, дегани. Қайд этиш жоизки, ҳукуватимиз томонидан сўнгги беш йилда демократик

давлат сари интилиш, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги ва баҳслашуви бош устувор вазифа сифатида белгиланди. Матбуот, радио, телевидение ва интернет журналистикасида қатор ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Журналистлар томонидан мавзуга танқидий ёндошишни ортиши, ойнаи жаҳонда янги, ўзига хос кўрсатувлар кўпайгани бунга мисол бўлади.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, юртимизда сўз эркинлиги устувор, ҳақ сўз учун курашувчи журналистларнинг сони ортаверсин. Юртимиздаги барча матбуот ходимлари, журналистларга 3 май - Жаҳон Матбуоти эркинлиги куни муборак бўлсин!

**Баҳодир ҲАСАНОВ.**



## ЯНГИ ФАБРИКА ҚУРИЛАДИ

Маълумки, туманимизда айни кунларда аҳолини иш билан тامينлаш учун ишлаб чиқариш корхоналари сонини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда туманда фаолият юритаётган "Indorama agro" МЧЖ хорижий корхонасининг худудий координатори Шерзод Якубовнинг таъкидлашича, туманимизда лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган ва бир сменада 100 нафар ёшларни иш билан таъминлайдиган тикувчилик фабрикаси қурилиши режалаштирилмоқда.

Яқинда туман ҳокими

Тўхтамурод Мейлиев, унинг инвестиция ва ташқи савдо бўйича ўринбосари Норхўжа Аминов ва "Indorama agro" МЧЖ хорижий корхонаси координатори Шерзод Якубов иштирокида мазкур фабрика қурилиши учун "Касби саноат зонаси" худудидан ер майдони ўлчаб берилди.

Мазкур тикувчилик фабрикаси жорий йилнинг 1 октябрида тўлиқ қувватда иш бошлайди ва бир сменанинг ўзида 100 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади", - дейди Ш.Якубов.

**ТУМАН ҲОКИМЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**



Дунёда инсон бажариши лозим бўлган эзгу амалларнинг сон-саногии йўқ. Фикримизча, уларнинг ичида энг мақбули ўз яқинлари ва ўзгаларга бирдек фойдали бўлган касбда ҳалол меҳнат қилиш ҳисобланади. Бу фикримизга мос, меҳнати билан эл орасида ишонч ва эътиборга муяссар инсон - устозимиз, Талишбе қишлоғида яшовчи Шукрулло бобо Эшонхонновдир. У киши 1949 йилда ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси Эшонхон Икромов ҳам таълим тизими фидойиси сифатида элга танилган.

Шукрулло Эшонхоннов - таълим тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, Халқ таълими аъло-чиси унвонига лойиқ кўрилган фахрий педагоглардан. 1971-2015 йиллар давомида Талишбе ва Байдоқчи қишлоқларидаги 9- ва 11- умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларга инглиз тили фанидан сабоқ берган домладан шогирдлари мамнун. Ана шу ўтган муддатнинг қарийб ярми давомида Ш.Эшонхоннов юқоридаги таълим масканларида раҳбар бўлиб, ўқув-тарбия ишларини ривожига муносиб ҳисса қўшди. Айна вақтда устоз-



## ТАЛИШБЕЛИК ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ

дан таълим олган ўқувчилар халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Устоз билан таълим тўғрисидаги суҳбатларимизнинг бирида у киши "Ўқитувчилар - ўқитади, ўргатади. Яхши ўқитувчилар - ўқитади, ўргатади, маълум бир касбга йўналтиради. Энг яхши ўқитувчилар эса - ўқувчини ўқитиб, ўргатиб, касбга йўналтириш билан бирга ҳар бир ёшни келажакка бўлган ишонч ва буюк мақсадлар сари илҳомланти-

ишларида ташаббускорлик кўрсатиб барчага намуна бўлмоқдалар. Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида мактабда ота-оналар кўмитаси раиси ва жамоатчилик кузатуви Кенгаши раиси сифатида ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили мактабнинг бўш турган ер майдонида мевали дарахтлар экиб, боғ яратишда бош-қош бўлганликлари таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари Шукрулло бобонинг "Талишбе" номли китоби чоп

ради. Зеро, улуг аждодларимиз айтганидек, "Ўқитувчи ўқувчи учун инсон камолотининг олий намунаси дир."

Шукрулло бобо ҳозирда нафақада бўлсалар ҳам торқаларида турли хил мевали, манзарали дарахтларни парвариш қиладилар. Маҳаллада ҳам фаол. Қишлоқ врачлик пунктини, таъмирлаш ишларида, ички йўллари таъмирлаш, маҳалла атрофини ободонлаштириш

этилгани барча талишбелликларни қувонтирди. Китобда қишлоғимизнинг тарихи, унда яшаган аждодларимиз ҳақида маълумотлар бор. Яқиндагина мақоламиз қахрамони сеvimли устозимизнинг оиласи ҳақида "Қашқадарё" телевидениесида эфирга узатилган кўрсатув ҳам барчамизга манзур бўлди.

Ҳозирда устоз фарзандларига бош, набираларининг сеvimли бобоси бўлиб, турмуш ўртоғи Райҳон момо билан қарилик гаштини сурмоқда. Райҳон момо ҳам ўқитувчиликдек шарафли касбда меҳнат қилиб, ёшларга тарих фанидан сабоқ берган. Уларнинг 6 фазандларининг барчаси олий маълумотли. Икки қиз ва икки ўғли ота-она касбини танлашган. Бу аҳил оила қишлоқда барчага ибрат.

Биз ҳам маҳалла аҳли номидан устозимиз Шукрулло бобо ва Райҳон момони 70 йиллик айёми билан самимий табриклаймиз. Биз уларга ҳавас қиламиз ва улардан ибрат олишга интиламиз.

**Шерзод Тўраев,**  
"Талишбе" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.  
**Н. ПАНЖИЕВА,**  
9-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

## ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ

Ҳар бир инсон ўз фаолияти давомида турли воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Бундай ҳолатлар албатта унинг психологиясига таъсир этмасдан қолмайди. Таълим-тарбия жараёнида шахсни шакллантиришнинг ижтимоий психологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади. Таассуротлар ҳар доим ҳам ижобий томонга бўлавермайди, унинг алмашиниб туриши табиий ҳол. Шунга қарамадан ўз фаолигини ошириб, мақсад сари интилишга ҳаракат қилиш лозим. Буни амалга оширишда бизга ижтимоий психологик тренинглари катта ёрдам беради.

Тренинглари шахснинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш билан бирга ўзини ва бошқаларни тўғри идрок эта олишга ёрдам беради. Тренинглари гуруҳларда ижтимоий психологик муҳитни

яхшилаш мақсадида ўтказилади. Тренинг жараёнида маълум бир қоидаларга риоя этиш талаб этилади.

Бир-бирига самимийлик ва хайрихоҳлик, бир-бирига ишонч, қатнашувчининг фаолиятига, мулоқот усуллари баҳо бериш, ўз таассуротларини тўғри ифодаланиш, машғулотлар жараёнида ҳеч кимга ҳеч қандай маслаҳат бермаслик, жисмоний нуқсонларга эътибор бермаслик, тренингда ўз хоҳиш истаги билан иштирок этиш шулар жумласидандир. Мисол учун, кичкина бир тренинг машғулоти ўтказишни кўриб чиқамиз. "Яхши кўрган инсон билан суҳбат" машқи.

Материал сифатида "менинг сеvimлиларим" машқидаги ёқимли сўзлар ёзилган ватман қўлланилади. Иштирокчиларнинг ҳар бири ўзи яхши кўрган одамнинг ролини ижро этиш учун ўзига шерик танлайди.

Йўриқнома: Сиз яқин одамингизга нима ёқиши ҳақида гапириб беринг. Имкон қадар "мен" олмошдан кўпроқ фойдаланинг ва шерингизнинг хулқ атворидаги ўзига хосликлар билан боғлиқ ижобий ҳиссиётларингизни аниқ ифодаланг. Муҳокамада ушбу машқи бажариш жараёнида қандай қийинчиликлар келиб чиқди, нима ҳақида гапириш қийинроқ? Шерингизни ҳатти-ҳаракатлари ёки улар билан боғлиқ ҳиссиётларингизми?

Ушбу тренинг орқали сиз шерингизга дилингиздаги барча кечинмаларингизни ифода эта оласиз. Бу орқали сиз ўз кутган натижангизга эришасиз.

**Насиба Мўминова,**  
16-умумий ўрта таълим мактаби психологи.

Ўқитувчи дарсга қанчалик пухта тайёрлик кўрса, табиат ва атроф-муҳитда бўладиган ҳодисаларни ўқувчиларга англата билса, бу дарс самарадорлигини юқори бўлишини таъминлашга хизмат қиладди.

Ўқувчиларда табиат ҳодисаларига нисбатан бошланғич тасаввур ҳосил қиладиган, уларнинг дунёқарашларини шаклланишида, ўсимликларга меҳр билан муносабатда бўлишга ўргатадиган "Атрофимиздаги олам" ўқув дарслиги моҳиятини ўқувчиларга англатиш устида жуда кўп ишлайман. Бунинг натижасида ўқувчилар инсон меҳнатининг табиатдаги аҳамиятини англаб оладилар. Уларда табиатга нисбатан меҳр уйғонади.

**Рустам Рўзиев,**  
12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.



## ЗИЁРАТ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Туманимиздаги тарихдан машҳур бўлган "Буюк Ипак йўли" ёқасида жойлашган Султон Мир Ҳайдар ота зиёратгоҳи ҳозирда янада обод масканга айланган. Зиёратгоҳда Султон Мир Ҳайдар ота ҳамда Саид Мир Мўмин Самарқандий мақбараси, чиллаҳона, айвон, минора, қишги ва ёзги масжидлар мавжуд. Бу тарихий ёдгорликлар зиёратчиларга маънавий ва маърифий тарбия манбаи бўлиб хизмат қиладди.

Мен мактабда "Тарбия" фанидан сабоқ бераман. Яқинда биз яшаётган Комилон қишлоғида яшовчи кекса отахон Зайниддин Саидов, мактаб директорини Холида Равшанова, мактабимизнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Асқар Равшанов ҳамда VI "А" синф ўқувчилари билан Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳига бордик. Ўқувчилар зиёратдан бир олам таассурот олишди.

**Борис ЖИФАЕВ,**  
54-умумий ўрта таълим мактабининг "Тарбия" фани ўқитувчиси.

Туман маданият бўлими ҳамда туман ахборот кутубхона марказида "Китобхонлик ҳафталиги" тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда китобхонлар ахборот кутубхона маркази фаолияти билан танишдилар. Тумандаги китобхонларини жалб қилган ҳолда китоб савдоси ташкил этилди.

Тадбирда Республика Маънавият-маърифат ишлари туман Кенгаши раҳбари А.Худойбердиев, Ёшлар ишлари агентлиги туман Кенгаши, туман "Маҳалла" жамғармаси ходимлари, шоира Мунаввара Мансурова ҳамда туман маданият бўлимининг бошлиғи Турдимурод Худойбердиевлар иштирок этишди.

Ҳафталикнинг иккинчи куни шоир Муҳаммад Юсуф ижодида бағишланган "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" деб номланган шеърят кечаси ўтказилди. Унда Муҳаммад

Юсуфнинг ҳаёти ва ижодидан видеороликлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда "Китоб - маънавий озуқа" мавзусида Республика маънавият ва маърифат ишлари туман Кенгаши раҳбари

А.Худойбердиевнинг маърузаси тингланди. Сўнг шу мавзуда 11-ДИУМ ўқувчиларининг бадиий чиқишлари намойиш қилинди. Шу куни "Энг яхши китобхон маҳалла", "Энг яхши китобхон таълим муассасаси" ва "Янги Ўзбекистон, янги аҳол" кўрик-танловлари ҳам ўтказилди. Бундан ташқари ўзбек адиблари асарлари юзасидан давра суҳбати ташкил қилинди. Фолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Салима САМАДОВА,**  
туман ахборот кутубхона маркази кутубхоначиси.

## "АТРОФИМИЗДАГИ ОЛАМ" ЖАЖЖИЛАР НИГОҲИДА

Халқимизда "Ёшлиқда олинган билим тошга уйилган нақш кабудир" деган нақл бор. Бошланғич таълим қанчалик мукамал бўлса, ёшлар келажакда порлоқ бўлади. Боланинг тафаккур қила олиши, ақлий ривожланиши, дунёқарашини ўз ўзини англаш салоҳиятини шаклланиши бошланғич синфлардан бошланади.

Бошланғич синф ўқувчилари жисмонан соғлом бўлишга, борлик гўзалликларини ҳис эта олишга, гўзаллик ва нафосатдан завқлана олишга ўргатилиб борилса, бу жараён юқори синфларда ҳам яхши самара беради.

Миллий урф-одатларимизда ўзбек миллатининг қадриятлари мужассам.

Уларга риоя этишга ҳам бошланғич синфларда аҳамият қаратиш ўқувчиларни урф-одатларимизни ардоқлашда яхши самара беради.

Ота-боболаримиз қадим-қадимдан атроф муҳитга жуда яхши муносабатда бўлиб келган. Табиат неъматларини эъзозлаган. Табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланганлар. Бу борада 1-2 синфларда ўқитиладиган "Атрофимиздаги олам" ўқув фанининг ҳам кенг имкониятлари мавжуд.

Бу фан ўқувчиларни атрофдаги табиат билан таништиради. Олам тузилиши, табиатда юз берадиган ҳодисалар ҳақида дастлабки тасаввурларни беради.

Мўмина момо Раззоқова - меҳнат фахрийси. У Бухоро шаҳрида туғилган. Ҳозирда туманимиздаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Кўп йиллар мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, нафақага чиққан. Онахон билан тез-тез суҳбатлашиб тураман. Гурунгимиз қизигандан қизийди. Ўқувчилик йиллари, талабалик даври, педагогик фаолияти давомидаги ҳаётининг воқеаларни сўзлаб беради. Онахон сўзлаб берган воқеаларнинг яшларидан баҳра оламан. Ёмонлари эса менга сабоқ бўлади.



ҳақида жуда кўп ҳикоя қилганлар. Қийинчилик, очарчилик ва нонни эъозлаш ҳақида набираларига ҳам айтқандилар. Мен у кишининг сеvimли фарзандларидан бири бўлиб, айтганлари хотирамда муқим жой олган.

Уруш йиллари Бухоро шаҳрига бошқа жойлардан эвакуация қилинган она-болалар,

эканманми, дугонажон?», - дер экан онам ҳар борганларида. Эслашимча ўғилларининг исми Аҳтам ва Лимфер эди. Онам кўлларида келганича атала, ис қилиб ўтказиб турар эканлар. Бир куни ўғиллари йиғлаб келиб, "Онам ўлаяпти", - дейишибди. Онам борсалар у тез-тез нафас олаётган экан... "Мен ўламан, болаларимни асра, орзуимга етмадим, буханка кесолма-

**«Офарин, нуроний!» танловига**

## МЎМИНА МОМОНИНГ ҲИКОЯСИ ёхуд бир дона буханка нонни кесиш орзуси

қариялар бор экан. Ёнимиздаги ҳовлига татар миллатими ё рус миллатига мансуб бир касалманд аёл икки ўғли билан яшаган. У аёл сил касалига чалинган экан. Болалари акаларим билан ўйнагани келиб турарди. Онам раҳматли келиб ҳар куни касал аёлдан хабар олиб, рўзгор ишларига қарашиб турган. Бечора аёл нон улуши (паёғи)ни ўзи емай ўғилларига едирар экан. Унинг бирдан-бир орзуси бир буханка нонни кесиш экан. "Мен буханка нон кесар

дим", - дебди. Онажоним бисотларидаги бор бўлган бир дона биллагузукларини олиб, тилла магазинга югурибдилар. Биллагузукни пулига бор йўғи икки дона буханка нон олиб, уйга қайтибдилар. Келсалар ўғиллари онаси тепасида йиғлаб ўтирган экан. Бир буханкани икки бўлиб, ўғилларига берибдилар. Бир пичокни онажоннинг қўлига тутқазиб нонни устига юргизибдилар. Аммо, у ҳолсизгина миннатдор кулимсирабди ва жони

Бу сафарги гурунгимиз ҳам қизиди. Онахон хотирасида қолган бир воқеани сўзлаб берди. Бу ибратли воқеа ҳаёлимизда муҳрланиб қолди. Сизга баъзиларга ибрат бўладиган, онажонимни руҳи покларини шод этадиган бир воқеани сўзлаб берай, дея Мўмина момо куйидагиларни ҳикоя қилди:

- Онам уруш йиллари

узилибди. Онам бир неча кун болаларга қараганлар. Аммо кейин уларни "Болалар уйи" - га олиб кетишган. Орадан анча йиллар ўтиб, онажоним бир кун ўша аёлни туш кўрибдилар. Нега тушимга кирди, дея дадам билан бориб руслар мазоридан унинг қабрига топиб, тозалаб, тахтачасини янгилаб келишибди.

Бир неча кун ўтиб, икки йигит уйга, онамни қидириб келибди. Улар ўша урушда юртимизга кўчириб келинган онанинг болалари экан. Йигитлар Рига шаҳрида яшашаркан. Ҳаммага совға-салом, онамга эса кўл тикув машинаси олиб келишган. Бизлар ўша пайтда мактаб йўқувчиси эдик. Бу воқеа йиллар ўтиб тез-тез ҳаёлимиздан ўтаверди.

Момонинг ҳикоясидан таъсирланиб кетаман. Оналаримиз ана шундай охиригидан нарсасидан кечиб бўлса-да, яхшилик қилиши бугунги авлодга бу ҳақда гапириш эзгуликларни кўпайтиришига хизмат қилади.

**Бахтиёр РАЖАБОВ.**

## "ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ЖАҲОНГИР"

Яқинда туман маданият марказида буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир шундай номланди. Тадбирни туман ҳокимининг ўринбосари Мансур Амиров кириш сўзи билан очиб берди. 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Шомурод Тожиев Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза қилди. Амир Темур манологи ижро этилди. Маданият маркази ходимлари сахналаштирган Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" драмасидан сахна кўришнилари йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда хонанда Эркин Хўжаев ижросидаги "Соҳибқирон", Илёс Ҳамраев ижросидаги "Мустаҳзод" ашулалари ҳамда Ч.Саҳатмуродова, М.Бузрукова ижро этган рақслар барчага манзур бўлди.

**Бибисора МЎМИНОВА,**  
туман Маданият маркази  
режиссиёри.

## МАКТАБИМИЗ ДЕПУТАТ НИГОҲИДА



Ёшларни юксак маънавиятли, кенг дунёқарашли ва билимли қилиб мустақил ҳаётга тайёрлашда мактабнинг ўрни беқим. Бундай натижага эришиш учун эса барча мактабларда ўқувчиларга таълим беришда уларни билим олишга, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, илм масканида таълим бераётган ўқитувчиларнинг билим савиясини кўчатириш, мактабларнинг моддий техник баъзасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Илм-фанда, санъат ва спортда юртимизнинг чекка қишлоқларида яшаб, ўша жойдаги илм даргоҳларида таълим олган ва ҳозирда катта ютуқларга эришган машҳур инсонлар бисёр. Мен раҳбарлик қилаётган умумий ўрта таълим мактаби туманимизнинг Қамаш қишлоғида жойлашган. Мактабимизда иқтидорли, билимга чанқоқ, ўз олди-га улкан мақсадлар кўйган ўқувчилар кўп.

Яқинда "Адолат" социал демократик партияси туман Кенгаши депутати Сайёра Юсупова мактабимиз фаолияти билан танишди. Ҳозирда мактабимизда ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Мактаб атрофидаги, ҳовлисидаги бўш турган ер майдонларида мевали ва манзарали дарахлар, гуллар ҳамда помидор, болгар, бак-

лажон кўчатлари экилган. Ўқувчиларнинг билим савияси, қизиқишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабимиз ҳозирда унда 508 ўқувчига 61 нафар педагог таълим бериб келади. Илм масканида 16 та тўғрак ташкил қилинган. Ушбу тўғракларда 276 нафар ўқувчиларимиз аъзо бўлиб, ундаги машғулотларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Мазкур тўғракларда машғулотларни Ҳадича Одилова, Сабоҳат Ҳусенова, Дилшо да Хидирова, Туробжон Бобоков, Отабек Тоғаев, Дилдора Бердиева, Наргиза Бўронова, Гулзора Араловалар қизиқарли олиб боришади.

Мактабнинг 10-синф ўқувчиси Низомиддин Каримов кимё фани олимпиадаси бўйича туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 11 синф ўқувчиси Зебунусо Тўраева олимпиаданинг она тили фани бўйича туман босқичида учинчи ўринни қўлга киритди. Истеъдодли эга ўқувчиси Зебунусо Ахмедованинг шеър ва ҳикоялари "Тонг юлдузи", газетаси ва "Гулхан" журналыда чоп этилган.

Мактабимиз ўқувчилари устозлари билан биргаликда туманда умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида "Миллий урф-одатлар, қадриятларнинг

ёшлар ҳаётидаги ўрни" шиори остида ўтказилган танловда ҳам фаол иштирок этишди. Мактабда фаолият юритаётган бошланғич синф ўқитувчилари Назира Мардонова, Олия Мавлонова, Гулшод Ҳасанова, Муқаддам Чўлиевалар ёш авлодни тарбиялашда бор билим ва малакаларини ишга солмоқдалар.

Ёшлар етакчиси Холида Қаноатова туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган ўқувчи-ёшлар ўртасидаги турли тадбирларда ўқувчиларнинг фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишларига яқиндан ёрдам бериб келади.

"Адолат" социал демократик партияси туман Кенгаши депутати Сайёра Юсупова мактабимизга келганида депутат билан таълим сифатини янада яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни, малакали ўқитувчиларни кўпайтириш тўғрисидаги тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Дарҳақиқат Сайёра Юсупова ҳам айни пайтда туманимиздаги 11-умумий ўрта таълим мактабида директор бўлиб, у раҳбарлик қилаётган мактаб ҳар томонлама тумандаги кўплаб мактабларга ўрнатилмоқда.

Депутатни мактаб фаолияти билан таништирганимиздан сўнг, Қамаш қишлоғидаги 17 умумий ўрта таълим мактаби рўпарасида жойлашган "Обод қишлоқ" дастури бўйича штаб ва ҳозирда тамирланаётган ички йўللarda амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Бош мақсадимиз - илм масканимиздаги ўқувчи-ёшларни келажакда жамият учун фойдали касб эгалари бўлиб етиштириш, қолаверса ўз олдиларига қўйган улкан орзу ва мақсадларини рўёбга чиқаришларига кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлик қилиб, муносиб ҳиссамизни кўшишдир.

**Рўзимурод РЎЗИБОВ,**  
52-умумий ўрта таълим  
мактаби директори, Халқ ту-  
ман Кенгашининг депутати.



## БИЛИМ - САОДАТГА ЕТАКЛАЙДИ

Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан 2020 йилда ўтказилган миллий рейтингга кўра Республикада 71-ўринни, вилоятда 8-ўринни ва туманимизда 1-ўринни эгаллади. Мактабда меҳнат қиладиган 45 нафар ўқитувчининг 12 нафари олий тоифали, 15 нафари биринчи тоифали, 7 нафари иккинчи тоифали ва 11 нафари олий маълумотли мутахассис. Мактаб педагогик жамоасининг 51 фоизини эркак ўқитувчилар ташкил қилади. Биринчи малака тоифали бошланғич таълим фани ўқитувчиси Дилфуза Муродова, олий тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси Муборак Хазратқуловалар "Шухрат" медали соҳибалари. Информатика фани ўқитувчиси Ҳасан Жумаев "One Million Uzbek Coders" лойиҳасида республикада "ТОП-100" таликка кирди.

Ўқувчиларнинг малака тоифалари сифат таркиби мактабнинг вилоятдаги ўрни олий ва биринчи малака тоифали ўқитувчилар салмоғи жиҳатидан учинчи ўринда турибди.

1996-2000 йилларда мактабни 610 нафар ўқувчи тамомлаган бўлиб, шундан 504 нафари, яъни 83 фоизи олий ўқув юртлирига кириш бахтига муяссар бўлган. Улардан 7 нафари фан номзоди, 203 нафари магистрлик даражасини олишга эришган.

Битирувчиларнинг 80 нафардан ортиғи ички ишлар тизимида, 50 нафарга яқини нуфузли олий таълим муассасаларида, 200 дан ортиғи халқ таълими тизимида, 60 га яқини соғлиқни сақлаш тизимида, 100дан ортиғи жамиятимизнинг бошқа соҳаларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Битирувчиларнинг 2018-2019 ўқув йилида олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи 43 фоиз, 2019-2020 ўқув йилида 57 фоизни ташкил этди. Мактабда 25 нафар аълочи ўқувчилар учун стипендия жорий қилинган. Америка Қўшма Штатларидан таширф буюрган инглиз тили фани ўқитувчиси Брианна Рожерс билан методик ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Билим - бахт эшикларини очувчи калит. Шундай экан биз ўқувчиларни пухта билим эгаллашлари учун мавжуд барча имкониятлардан оқилона фойдаланаяпмиз. Бунинг самара беришига ишончим комил.

**Азиз КАМОЛОВ,**  
11-Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим макта-  
би директори.

## ҚУРОЛЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Суд экспертизаси юридик фанларнинг бир тармоғи сифатида ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак ва шу билан бирга назария билан амалиётни ўзаро боғланишида муҳим ўрин тутди. Суд экспертизаси ривожланган замонавий илмий -техник ютуқларига эга бўлиб, жиноят ишлари бўйича адолатни юзага чиқаришда одил судловни демократик асосида тараққий этиб боришда қонунийликни мустаҳкамлайди ва муҳим шарт-шароитларини белгилайди.

Маълумки, суд-баллистика экспертизаси умумий криминалистик экспертизаларнинг махсус ва мураккаб турларидан биридир. Суд-баллистика экспертизаларини ўтказиш амалиётдан маълумки, тадқиқот учун тақдим этилган қўлбола ўқ отар қуролларни, уларнинг механизмларини, тугунлари ва қисмларини, қисмларни ўзаро ҳаракатини, ўқ-дориларнинг ишлатилиши, ўқ қолдирган изларни тасвирлаш, хулосаларни шакллантириш ва баҳолашда мутахассислар муайян қийнчиликларга дуч келадилар.

Маълумки, қуролларнинг энг дастлабки намуналари тош, суяк ва ёғоч каби материаллардан тайёрланган. Қуролларнинг такомиллашган турларини ихтиро этил-

гунига қадар одамлар ёғоч ва тошдан узоқ вақт фойдаланишган. Қурол эволюциясининг ана шу босқичларида инсоният тошдан тан жароҳати етказиш мумкинлиги ва бунинг учун уларга қандайдир ишлов бериш лозимлигини билар эди. Одамларнинг дастлабки ҳунарларидан бири бу тошни турли усуллар билан йўниш бўлган. Бу даврда кремний тошидан турли керакли иш қуроллари тайёрланар ва айрим ана шундай иш қуроллари тан жароҳати етказиш учун ҳам қўлланилар эди. Ўша даврда тошдан болталар, куракчалар, гарпун ва пичоқлар ясалган. Археологик қазилмаларни ўрганиш натижасида қадим замонларда маълум бўлган қуроллар бир-биридан фарқ қилувчи ашел, мустьер, солустрей ва маделен маданияти қуроллари каби бир неча турларга ажратилади. Бундай қуролларнинг дастлабки икки типик ўтиш даврига, қадимий одамлар турли форларда яшай бошлаган вақтларга тўғри келади. Бу даврларда иш қуроли билан қуролнинг унчалик фарқи бўлмаган. Маделен типдаги қуроллар пайдо бўлгач, иш қуролларини қуролдан фарқлаш имконияти вужудга кела бошлаган. Ана шу даврларда одамлар фил суягидан турли қуроллар тайёрлай бош-

лаган. Кўпгина олимларнинг фикрича, жанговар қуролларнинг "аждоди" овчилар қуроллари, ов қуролларининг аждоди эса қадимий одамларнинг иш қуролларидир. Жанговар қуролларнинг ривожланиб кетишига турли омиллар катта таъсир кўрсатган. Бу омиллар сирасига одам онгининг ривожланиши, табиий шароитлар, иқлим, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг турли-туманлиги ҳамда уларнинг ривожланиши, одамларнинг қандай географик ҳудудларда истиқомат қилиши ва шу кабиларни киритиш мумкин. Қуролларнинг ривожланишига таъсир кўрсатган омиларнинг асосийларидан бири - инсонларнинг ўзаро урушларидир. Айнан ана шу урушлар натижасида ҳам қуроллар такомиллашиб борган. Урушларда қуролларнинг махсус мақсадлар учун мўлжалланган турлари яратилган.

Темирнинг кашф этилиши қуроллар эволюциясида жуда катта аҳамият касб этган ҳодиса ҳисобланади. Тарихий жиҳатдан дастлабки яратилган қуроллар совуқ қуроллар ҳисобланади ва улар ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

**Аслиддин САЙДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси курсанти.**

Суд экспертизаси ривожланган замонавий илмий -техник ютуқларига эга бўлиб, жиноят ишлари бўйича адолатни юзага чиқаришда одил судловни демократик асосида тараққий этиб боришда қонунийликни мустаҳкамлайди ва муҳим шарт-шароитларини белгилайди. Маълумки, ҳодиса жойини кўздан кечириш умумий криминалистик билимларнинг махсус ва мураккаб турларидан биридир.

## МУТАХАССИСНИНГ БИЛИМЛАРИ – БАРЧА ЮТУҚЛАР ГАРОВИ БЎЛАДИ

Ҳодиса жойини кўздан кечириш амалиётдан маълумки, мутахассис томонидан ҳодиса жойидан олинган ашёвий далиллар эксперт криминалист ходимлар томонидан чуқур ўрганилиб жиноятларни очиш ва уларни олдини олишда қўл келмоқда. Эксперт криминалист фаолиятида полиграфия билан боғлиқ жиноятлар ҳам кўп учрайди. Шунда мутахассислар бу мавзуга оид етарли тушунчаларга эга бўлишлари шарт.

"Полиграфия" - сўзи иккита грекча сўздан иборат: "поли" - кўп ва "графо" - ёзапман. Кўп сонли миқдорда нусхаларни олиш учун устига типографик бўёқ суртилган босма қолип ишлатилади.

Босма қолип - босма ва бўш элементлардан ташкил топади. Босма элементлар қоғозда тасвирни ҳосил қилади, пробел (бўш жой) эса - бўёқдан бўш бўлган босма элементлар орасидаги оралиқ жойларни ҳосил қилади. Маттни, босма қолип йиғмаси сурати, чизилиши, ўлчами бўйича фарқланувчи шрифтларни қўллаш орқали тузилади. Типографик шрифтлар стандарт бўйича гуруҳларга, гуруҳларнинг ичида - гарнитураларга бўлинади. Гарнитура - умумий асосий чизмага эга бўлган, лекин бири бошқасидан иккинчи даражали ўзига хосликлари билан фарқланувчи шрифтлар комплектидир.

Босмаҳоналарда босилган нусхалар сони қолипларнинг тиражида ёки нашр бир вақтнинг ўзида ҳар хил босмаҳоналарда йиғма аниқ ва клишени оригинал қолип нусхаларида босилса, бунда стереотип босма қолиплар ишлатилади. Стереотип рельефли ҳарф ва акс эттирилаётган қолипнинг барча белгилари, ташкил толувчи яхлит пластинкадан иборат. Босма қолиплардан яна бир тури фотополимер босма қолиплардир. Уларни тайёрлаш, фотополимеризация ҳодисасини қўллашга асосланади.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар тизимида фаолият кўрсатишни танлаган ҳар бир киши турли мавзуларда билим олишда зеҳнли ва серқирра мутахассис бўлиши керак. Ана шунда танлаган соҳасида катта ютуқларга эришиши аниқ.

**Жавоҳир ШОЙМУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти.**

## ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган ёки имкон берган шароитлар кўпинча тергов эксперименти жараёнида аниқланади. Ушбу тергов ҳаракатида криминалистнинг роли ҳодиса жойини кўздан кечириш ёки бошқа турдаги тергов ҳаракатларидаги фаолияти жуда муҳимдир.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларни олдини олиш бўйича фаолиятлари икки шаклда амалга оширилади - процессуал ва нопроецсуал. Мазкур хизматларнинг жиноятларни олдини олиш бўйича фаолиятларининг процессуал шакли - бу эксперт-криминалистнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексида белгиланган тарзда фаолиятларидан иборат бўлиб, тергов ҳаракатарида мутахассис сифатида иштирок этиш жараёнида жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бошқалардан иборат.

Эксперт-криминалистика хизматларининг жиноятларни олдини олиш бўйича фаолиятларининг нопроецсуал шакли - процессуал шаклдаги фаолиятдан шуниси билан фарқ қиладики, фаолиятнинг ушбу тури амалдаги қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, бу фаолият фақат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардагина ўз аксини топган. Маълумот-маслаҳат бериш фаоли-

яти, экспертиза амалиётини таҳлил этиш ва умумлаштириш, ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот этиш фаолиятида иштирок этиш каби вазифалар шулар жумласига киради.

Соҳадаги муаммо ва камчиликларнинг асоси - жиноятларни олдини олиш, жиноятларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларнинг субъектларининг ўз ваколатларини, ушбу фаолиятнинг меъёрий - ҳуқуқий ва ташкилий асосларини билмасликларидадир. Шунинг учун тергов аппаратлари ва эксперт-криминалистика хизматларининг раҳбарлари ўз ходимларига ушбу фаолиятнинг меъёрий - ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари бўйича ўқув машғулотлари ташкил этишлари лозим бўлади.

Эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятларини такомиллаштириш учун, биринчи навбатда бу хизматнинг тергов аппаратлари билан узвий ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш лозим.

Бунинг учун ушбу хизматларнинг раҳбарлари мазкур фаолиятни доимий назорат остига олишлари лозим бўлади.

**Саидахмадхон ХУСАНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти.**

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс жамият ва давлат ҳафсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бошқа давлат идоралари би-

шқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг

## ҚОНУНЛАР – ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

лан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳар қандай давлат органи борки, жамиядаги бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил қилмай туриб ички имкониятлари доирасида фаолиятининг самарадорлигини таъминлай олмади. 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида" ги қонуннинг 11-моддасида ҳам ўз зиммасига юклатилган асосий вазифаларни амалга оширишда бошқа давлат органлари муассасаларини ва жамоатчиликнинг тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги белгиланган. Шунингдек, ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бо-

шқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади. Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фож этиш ҳамда жиноят ишларини тергов қилишда ички ишлар органларида кўмаклашиши шарт. Бундан ташқари "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонунда Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил, 10 апрелда имзоланган "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини

тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонда Ички ишлар органларининг ўз хизмати вазифасини амалга оширишига тўсқинлик қилаётган бир неча камчилик ва муаммоларни келтириб ўтилган. Ундан ташқари мазкур Фармонда

мамлакатимизда Ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишининг энг муҳим йўналишлари сифатида халқ билан ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолини энг муҳим муаммоларини хал этишга ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиги белгиланган.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлигини яхшилашга хизмат қилади.

**Меҳроҳ АШУРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси 3-ўқув курси курсанти.**



# ВАТАНГА ЭЪТИҚОДИ БУЮК ШОИР

Халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида 67 ёшга тўларди. У ўз элини, халқини, Ватанини самимий, беғараз, сидқидилдан яхши кўрарди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини халқимиз эришган ютуқ ва марраларини юксак пардаларда куйлаган Муҳаммад Юсуф шеърлари кириб бормаган хонадон ва унинг содда, халқчил, самимий сатрларини ёд билмаган шеърят мухлислари юртимизда кам топилади. Шоирнинг она Ватан, юрт, халқ ҳақидаги шеърлари ниҳоятда жозибали ёзилган. Унинг "Ватан", "Мадҳия", "Самарқанд", "Халқ бўл элим" шеърлари бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса, "Халқ бўл элим" шеъри эл орасида катта шухрат қозонди. Мамлакатимизнинг тантанали байрамларида куйланганида элни оёққа тургазган жозибали кўшиққа айланган. Унинг кўплаб шеърлари кўшиқ бўлиб куйланган ва куйлаб келинмоқда. Бу оддий кўшиқлар



эмас, кишини аллалаб тебратувчи, ҳис туйғуларни жунбушга келтирувчи кўшиқлардир.

Унинг шеърларидан инсоннинг энг олижаноб ва юксак инсоний фазилатлари билан бирга ёшлик сурури, ишқ ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона, содда айни пайтда эзгу, бокира ва бетакрор туйғу ҳамда кечинмалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Унинг "Уйқудаги қиз" (1989 йил), "Ҳалима энам аллалари" (1989 йил), "Ишқ кемаси" (1991 йил), "Эрка кийик" (1992 йил), "Ўзингдан қўймасин элим" (2000 йил), "Сайланма" (2001) китоблари чоп этилди ва ўзбек адабиётининг

ривожланишида салмоқли ҳисса қўшди.

Қисқа, аммо жўшқиш ижодий фаолияти давомида халқ дилига яқин, равон, бетакрор ифода ва оҳорли ташбеҳларга бой шеърлари билан замонавий адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган Муҳаммад Юсуф атрофдагиларга самимий, оилада меҳрибон ота, яхши дўст, умр йўлдошига вафодор, чинакам ижодкор, устоз, қалби кенг инсон эди. Зеро шоирнинг ўз айтганидек:

**Мендан нима қолар  
икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
бир уюм тупроқ,  
Бошқалар ортимдан  
нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман  
ўзимдан кўпроқ,  
Лола, лолажоним,  
лолақизғалдоқ.**

Муҳаммад Юсуфдан гўзал сатрлар, улкан адабий мерос қолди.

**Юлдуз ҚУРБОНОВА,  
туман халқ таълими  
бўлими она тили ва адабиёт фани методисти.**



## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Туман фермер-деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши аъзолик бадаллари ҳисобидан 111 нафар хотин-қизга томорқаларига экиш учун 20 миллион сўмлик помидор, бодринг, булғор қалампери, баклажон кўчатлари ҳамда қовун, тарвуз, ошқавоқ уруғлари олиб берилди.

"Аёллар дафтари" га кирган Шакаржўй маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Насиба Саидованинг истаги инobatга олиниб, у кишининг хонадонига Кенгаш жамғармаси ҳисобидан имтиёзли қуредит асосида енгил конструкцияли иссиқхона қуриб берилди.

Жизза маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Матлуба Хўжанова, Шакаржўй маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нилуфар Холмуродоваларнинг хонадонларига ҳам енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо қилинди. Оққамиш маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зайнаб Омоновага асалари боқиш учун қутилар билан таъминланди.

**Олим САМИЕВ,  
туман фермер-деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси.**

## ОНАЖОНИМ – МЕҲРИБОНИМ

**Шеърлар ёздим Ватанга,  
Лолазор-у, чаманга.  
Жонкуярим онамга,  
Онажоним-меҳрибон.**

**Сиз қуёшдек ягона,  
Ойдек менга парвона.  
Меҳри сизмас жаҳона,  
Онажоним-меҳрибон.**

## МУҲАММАД ЮСУФГА

**(шоир таваллудининг  
67 йиллигига)**

**Бошин эгиб турган қирдаги лола,  
Осмонга боққанча, кўзида жола,  
Ҳар баҳор ёш тўкиб қабрингиз узра,  
Исмингизни айтиб қилади нола.**

**Кўз ёш тўкавериб қумга қорилди,  
Сизсиз баҳорларда ғариб лолазор.  
Ҳатто уларга ҳам асло татимас,  
Сизсиз кириб келган гўзал навбахор.**

## БУВИЖОНИМ

**Бувижоним эркалар,  
Болагинам боласи.  
Данагидан мағзи ширин,  
Кўзларимнинг қораси.**

**Ҳаниматдир набиралар,  
Чеваралар дийдори.**

**Бу дунёда қолган умрим,  
Қошларингнинг ораси.**

**Дилбар ХОЛМИРЗАЕВА,**

**6-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчиси.**

## ДУНЁ

**Тасодифан ётиб кўзни очмасак,  
Умрни хотима топгани шудир.  
Саволлар кўп бўлса жавоб топмасак,  
Лаҳзалар мазмунсиз ўтгани шудир.**

**Кимлардир шошилар бойлик йиғмоққа  
Яна кимдир шошар фойда кўрмоққа,  
Фуркат ҳам етандир сўзни айтмоққа  
Бу дунё ўткинчи дегани шудир.**

## ОНА

**Баҳор чоғи гулласа лола,  
Мавжланади қалбимда нола.  
Мен юраги йиғлаган бола,  
Онажоним соғиниб кетдим.**

**Ярим она эмишлар хола,  
Танга қувват демишлар бола,  
Вужудга жон ягона Она,  
Онажоним соғиниб кетдим.  
Умида ОЧИЛОВА,**

**22 -умумий ўрта таълим  
мактабининг ўқитувчиси.**

## ХОЛАМ

**Митти холам бор менинг,  
Қувноқ холам бор менинг,  
Онамдайин меҳрибон,  
Йўлларимга зор менинг.**

**Кўнгли ғамга тўладир,  
Лекин, доим куладир.**

**Тоғдай ғамга кўнадир,  
Митти холам бор менинг.**

**Маржона ЖОВЛИЕВА,**

**42-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси.**

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

**Тарки одат - амри маҳол.  
(Халқ мақоли)**

Талаба эдик. Ётоқхонанинг битта хонасида уч киши турардик. Дарсдан бўш вақтларимизда шаҳарни айланишга бирга чиққан кунларимиз кўп бўлган. Бир куни шаҳар айланиб юриб, у-бу олиш учун бозорга ҳам тушдик. Бозор гавжум. Кимдир нимадир харид қила-япти. Расталар оралаб кетаяпмиз. Учаламиз ҳам у-бу егулик танлаб харид қилдик. Озиқ-овқат дўконида катта идишга прайник тўлдирилган, чош бўлиб турарди. Хонадошларимиздан бири беихтиёр прайникдан битта олиб бир тишлади-да яна жойига қўймоқчи бўлди. Шу пайт сотувчи қўлида турган метр билан дастига битта туширди. Дўстимиз эътироз билдирди. Сотувчи ҳам бўш келмади. Сен тишлаганингни кўриб қолдим. Яна жойига қўйдинг. Кўнглинг тусабди, майлига олиб кетавер эди. Сен тишлаган бу емишни кимга сотаман? Бу қандай рисолага тўғри келади?-деб, уришди.

Бу воқеа бўлганига кўп йиллар ўтган бўлса-да хотирамда сақланиб қолган. Олийгоҳни битирдик. Узоқ йиллар курсдошларимиз турли вазифаларда ишлади. Нафақага ҳам чиқдик. Бир куни тўртта дўст бирлашиб Самарқанд вилоятида яшайдиган дўстимизникига дийдорлашиш учун боришга келишдик. Машина кира қилиб, тўрт киши машинада йўлга чиқдик. Автоулов газ

қуйиш шохобчасига бориб тўхтади. Биз тушдик. Автоуловни ҳайдовчи ёқилги тўлдиргунича кутиб туришимизга тўғри келди. Уша бозордан прайникни сўроқсиз олиб еган ва сотувчидан даkki эшитган дўстимиз ҳам биз билан бирга эди. Автоуловни кутиб турган жойда кичкинагина дўкон бор экан. Дўконда ёши 25-30 ларда бўлган аёл савдо қилиб турарди. Одамлар нималарнидир харид қилишяпти. Уша дўстимиз дўкондан қурит сотиб олиш учун пул узатди. У узатган пулга сотувчи нечтадир қурит берди ва пулининг қайтимини бериш учун пештахта ортига энгашган чоғи, дўстимиз пештахта устида турган қурит тўлдирилган халтачадан чангалини қуритга тўлдириб чўнтагига солди. Мен алланечук бўлиб кетдим. "Ўрганган кўнги, ўртанса қўймас" экан-да. Шунда ўрганган одатни одам тарк қила олмаслиги ёдимга келди. Бу гуноҳ эмасми, ахир? "Тарки одат - амри маҳол" деб шуни айтсалар керак-да.

Халқимизда букрини гўр тўғрилайди, деган гап бор. Агар одам ҳаётдан олмаса, инсоф, ҳалол, ҳаромни ўрганмаса кўзи кўр ҳолда ҳаётдан ўтиб кетавераркан. Ёши олтмишдан ошган бу курсдошим шунча яшаб ҳам одамийликни ўрганмагандан афсусланиб кетдим. "Ҳайф сенга инсон деган ном!"

**Бахтиёр БОБОМУРОДОВ.**

ISSN 2010-8753  
**SADOQAT**  
MUASSIS:  
Qashqadaryo viloyat Kasbi tuman hokimligi va xalq deputatlari tuman Kengashi

**Bosh muharrir v/b :  
Ziyodulla XALILOV**  
Gazetaning ro'yxatdan o'tgan tartib raqami: 14-082  
(Qashqadaryo viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2012 yil 7 sentabrda ro'yxatdan o'tkazilgan)

MANZILIMIZ:  
180600. Kasbi tumani, Mug'lon shaharchasi. Do'stlik ko'chasi, 21-uy.  
Telefonlar:  
Muharrir: +998(97)291-11-33  
Xatlar, reklama va e'lonlar uchun: +998 (91) 473-71-70  
E-mail: sadoqat.info@mail.ru  
Shodiyev Odil (99) 660-74-49 aqa

Tahririyat maqoladagi ma'lumotlar uchun javobgar emas.  
Nashr uchun mas'ul:  
B. RAJABOV  
Sahifalovchi:  
B. HASANOV  
Indeks: 64780 Buyurtma №186  
Nusxasi: 630

"SADOQAT" gazetasi kompyuter markazida sahifalanib, "Photo Express" ICHKda ofset usulida chop etildi.  
KORXONA MANZILI:  
Qarshi shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 22-uy.  
Terishga berildi: 8:30  
Bosishga ruxsat etildi: 16:20.